



## Guarantees of representation in civil proceedings and features of the experience of foreign countries

Davlatjon XABIBULLAEV<sup>1</sup> Abror MAMADIYEV<sup>2</sup>

Tashkent State Law University

---

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received January 2021

Received in revised form

15 January 2021

Accepted 20 February 2021

Available online

7 March 2021

---

**Keywords:**

Civil procedure

Representative

Trustee, lawyer, legal representative, power of attorney, judge

---

### ABSTRACT

This paper investigated the participation of a representative in civil proceedings, the basis of representation and the participation in the case, the appointment of a representative by the judge on his initiative or on the recommendation of the parties at the stage of consideration of the case in court, the attraction depending on the circumstances of the case, the types of individuals, the benefits of practical experience of developed foreign countries to improve Executive activities in the civil procedural legislation. Suggestions and recommendations were also made to improve representation activities and legislation

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Фуқаролик процессида вакиллик фаолиятининг кафолатлари ва хорижий давлатлар тажрибасининг ўзига хос жихатлари

---

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада фуқаролик процессида вакилнинг иштироки, вакилликнинг асослари ва ишда иштирок этиш тартиби, вакилнинг ишни судда кўриш босқичида судья томонидан ўзининг ташаббусига кўра ёки тарафларнинг тавсиясига кўра тайинланиши, иш ҳолатларига қараб жалб этилиши, шартномавий вакиллик асосида фаолият юритувчи шахсларнинг турлари, вакилнинг ваколатини расмийлаштириш масалалари таҳлил этилди. Ривожланган хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал

---

<sup>1</sup> Doctor of Law, Professor, Head of the Department of "Civil Procedural and Economic Procedural Law", Tashkent State Law University

E-mail: [davlatxabibullayev@mail.ru](mailto:davlatxabibullayev@mail.ru)

<sup>2</sup> Master's degree student, Tashkent State Law University

E-mail: [mamadiyevabror@gmail.com](mailto:mamadiyevabror@gmail.com)

---

қонунчиликда вакиллик фаолиятининг таомиллаштиришга доир амалий тажрибасининг авфзаликлари ўрганилди. Шунингдек, вакиллик фаолиятини ва қонунчилигини таомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

## Гарантии представительства в гражданском процессе и особенности опыта зарубежных стран

### АННОТАЦИЯ

**Ключевые слова:**

Гражданский процесс

Представитель

Лицо

Выражающее доверие

Адвокат

Законный представитель

Доверенность, судья

В данной статье исследованы участие представителя в гражданском процессе, основания представительства и порядок участия в деле, назначение представителя судьей по его инициативе или по рекомендации сторон на стадии рассмотрения дела в суде, привлечение в зависимости от обстоятельств дела, видов лиц, преимущества практического опыта развитых зарубежных стран по совершенствованию представительской деятельности в гражданском процессуальном законодательстве. Были также внесены предложения и рекомендации по совершенствованию представительской деятельности и законодательства..

“Фуқаролар ўз ишларини судда шахсан ёки ўз вакиллари орқали юритиши мумкин. Фуқаронинг ишда шахсан иштирок этиши уни иш бўйича вакилга эга бўлиш ҳукуқидан маҳрум этмайди.

Ташкилотлар ишларни ўз раҳбарлари ёки вакиллари орқали юритади”[1].

Ушбу норма Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг вакиллик орқали иш юритишга оид моддаси бўлиб, фуқароларнинг ҳам юридик шаҳсларнинг ҳам фуқаролик суд ишларини юритища вакилга эга бўлиш ҳукуқларини кафолатлади. Фуқаролик процессида вакиллик фаолияти орқали иш юритишга эхтиёж борлигининг бир қанча сабаблари мавжуд. Шулардан баъзилари: ишонч билдирувчи шаҳснинг процессуал ҳарактларни амалга оширишда қонун нормаларини билмаслиги, етарлича билмаслиги ёки билса ҳам ишончли ҳимояга муҳтожлиги; профессионал фаолият билан шуғуллана олмаслиги; муомалага лаёқатсизлик ёки муомала лаёқатининг чекланганлиги (бундай ҳолларда шахснинг номидан қонуний вакил ёли қонуний вакил томонидан тайинланган шартномавий вакил ҳам фаолият юритади); суд процессига қатнашиш имконининг мавжуд эмаслиги (ҳорижий давлатга ишлашга, хизмат сафарига ёки таътилга чиқиши); вақтингчалик санатория ёхуд даволаниш муассассида бўлиши ва шу каби қундалик турмушда учраб турадиган ҳолатдар. Соғлом фикр нуқтаи назаридан ҳам ушбу юқорида санаб ўтилган ва шу каби бошқа ҳолатларда ишонч билдирувчи шаҳснинг номидан вакилнинг фаолият юритиши процесс муддатининг қисқаришига, суд иш юритувининг ҳам осонлашувига, ишонч билдирувчи шахснинг манфаатларига пурт етказилмаслигига ҳамда ишончли ҳимоя функциясининг амалга оширилишига замин яратади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз лозимки, вакиллик фаолияти орқали бугунги кунда иш юритишнинг кўлами кенгайиши билан бир қаторда

қонунчилик нормалари ҳам ўзгартиришларни талаб қилиб қолмоқда. Маълумки, янги нормаларни жорий этишда энг самарали йўл бу – ривожланган хориж мамлакатларининг ютуқ ва камчиликларини ўрганиш ва уларнинг имплементация қилишда қонунчилигимизга тўғри келадиган жиҳатларинигина қабул қилишdir.

Хорижий давлатлар фуқаролик процессида вакиллик фаолиятига назар соладиган бўлсак ўзига хосликни кузатишими мумкин. Масалан, Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 50-моддасида “Суд адвокатни яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарнинг вакили бўлмаган тақдирда, шунингдек федерал қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда вакил қилиб тайинлайди. Суд томонидан жавобгарнинг вакили этиб тайинланган адвокат ушбу иш бўйича суд қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга”[2].

Худди шундай нормани Белорусия Республикасининг қонунчилигига ҳам кўришимиз мумкин. Белорусия Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 77-моддасида суд томонидан вакил тайинланадиган ҳолатлар назарда тутилган.

“Суд қуйидаги ҳолларда тараф ёки учинчи шахсга вакил тайинлайди:

- 1) муомалага лаёқатиз шахс ёки учинчи шахс вакилининг йўқлиги;
- 2) яшаш жойи (жойлашган жойи) номаълум бўлган жавобгар вакилининг йўқлиги;
- 3) вакил Беларуссия Республикасининг никоҳ ва оила кодексида белгиланган асослар бўйича суд ишини юритиш ҳуқуқига ега бўлмаслиги;
- 4) қонунда белгиланган бошқа ҳоллар.

Ушбу модданинг 1 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органи томонидан вакил тайинланиши, ушбу модданинг 2-бандида кўрсатилган ҳолатда еса уларнинг розилиги билан қариндошлари ва бошқа фуқаролар тайинланиши мумкин” [3].

Хитой Халқ Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 58-моддасида “тарафлар, қонуний вакиллар ишни юритиш учун бир ёки икки вакилни иш юритишга тайинлаши мумкин. Адвокатлар, яқин қариндошлар, тарафларнинг яшаш жойидаги тегишли жамоат ташкилотлари томонидан тавсия этилган шахслар, шунингдек, халқ суди томонидан тавсия қилинган бошқа фуқаролар судда вакил бўлиши мумкин” [4]. Ушбу кодекснинг 60-моддасида “Агар вакилнинг ваколатлари ўзгартирилса ёки бекор қилинса, ваколати ўзгартирилган тараф халқ судини ёзма равишда хабардор қилиши, халқ суди еса бошқа тарафни хабардор қилиши шарт”.

Вакилни иш юритишга тайинланиши масаласи Германия Федератив Республикаси қонунчилигига ҳам ўз ифодасини топган. “Германия Федератив Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 4-боби, 78-параграфида процессида адвокат тарафнинг вакили сифатида мажбурий иштирок этиши белгиланган. Унга кўра, ландгерихтах ва бошқа юқори турувчи инстанция судларида тарафлар адвокат орқали иштирок этади, судда фаолият олиб бориш, ишни юргизиш ва тарафларни таништириш ваколати адвокат орқали амалга оширилади. Оилавий ишларда тарафлар ва ишда иштирок шахслар судда ишда иштирок эта оладиган адвокатлар орқали таништирилади”[5]. Германия қонунчилигига ўзига ҳос жиҳатлардан яна бири вакил сифатида “ишда иштирок этувчи адвокат бир неча адвокатлар томонида судда раислик этувчининг танловига кўра тайинланади. Тайинланган адвокат вакилликка киришишни тараф томонидан

аванс тўлови тўланишига боғлиқ қилиб қўйиши мумкин, ишончнома тўловлари бўйича Федерал Низомга мувофиқ белгиланади”[6].

Украина Фуқаролик процессуал кодексининг 58-моддасига кўра “тараф, учинчи шахс, шунингдек, қонуний равишда бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб судга мурожаат қилиш хуқуқи берилган шахс суд жараёнида шахсан (ўз-ўзини вакиллик қилиш йўли билан) ва (ёки) вакил орқали иштирок етиши мумкин”. Ушбу кодекс 60-модданинг тўртинчи қисмида “вакил бир вақтнинг ўзида бир неча даъвогарни ёки бир неча жавобгарни ёки бир неча учинчи шахслар манфаатини бир томондан ифодалаши мумкин, агар улар ўртасида манфаатлар тўқнашуви бўлмаса”[7].

Арманистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 56-моддасида вакилнинг маҳсус ишончнома тузиши лозим бўлган ҳолатлар кўрсатиб ўтилган. Ушбу моддага кўра:

“Судда иш юритиш учун ишончнома вакилга ишонч билдирувчининг номидан ҳар қандай процессуал ҳаракатни амалга ошириш хуқуқини беради, бундан қўйидагилар мустасно:

- 1) даъво аризасини имзолаш;
- 2) ҳакамлик битими тузиш ва низони арбитражга тақдим етишга розилик бериш;
- 3) даъволардан тўлиқ ёки қисман воз кечиш;
- 4) даъволарни тўлиқ ёки қисман тан олиш;
- 5) даъвонинг асосини ва претметини ёки улардан бирини ўзгартириш;
- 6) ҳисоб-китоб шартномасини тузиш;
- 7) ярашув битимини тузиш;
- 8) лицензияли консилиатор иштирокида ярашув тартибида иштирок етиш;
- 9) ваколатни бошқа шахсга ўтказиш (ишончни ўтказиш);
- 10) суд хабарномалари ва процессуал ҳужжатларни олиш;
- 11) суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш;
- 12) ижро варақасини бериш тўғрисида ариза бериш”[8].

Ушбу модданинг 1-қисмида кўрсатилган ҳаракатларнинг ҳар бирини бажариш учун ушбу ваколатлар вакилга берилган ишончномада аниқ назарда тутилган бўлиши керак.

Хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиб айтишимиз мумкинки, фуқаролик процессуал қонунчилигимизни такомиллаштириш, ундаги вакиллик институтига оид ваколатларни кенгайтириш, вакилларни фуқаролик суд ишларига жалб қилиш борасида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиладиган вақт келди.

Қонунчилигимизни такомиллаштириш мақсадида қўйидаги таклифлар илгари сурилади.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 65-моддасига учинчи қисм сифатида “Яшаш жойи (жойлашган манзили) номаълум бўлганлиги сабали жавобгарнинг суд процессида қатнашишининг имкони бўлмаган ёки унинг вакили бўлмаган тақдирда унинг манфаатларини судда ҳимоя қилиш мақсадида судя томонидан адвокат тайинланади. Суд томонидан жавобгарнинг вакили этиб тайинланган адвокат ушбу иш бўйича суднинг процессуал ҳужжатлари устидан шикоят қилиш хуқуқига эга” талқинида нормани киритиш керак.

Иккинчидан, судда иш юритиш бўйича вакил сифатида профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши мумкинлиги қонунчиликда назарда тутилган. Лекин, ҳанузгача адвокатнинг фуқаролик процессида мажбурий иштирокига оид норма ва ушбу ишларнинг турлари кўрсатилмаган. Ваҳоланки, бу борада Германия Федератив Республикасида адвокатнинг иштироки талаб қилинадиган ҳолатлар ва Хитой Халқ Республикасида вакилнинг суд томонидан тайинланишига оид нормалар киритилган. Шу сабабли ҳам, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига 67<sup>1</sup>-модда сифатида “Суд томонидан вакилнинг ишга жалб қилиш” номли моддани киритиш лозим.

67<sup>1</sup>-модда. Суд томонидан вакилнинг ишга жалб қилиш

Суд қуйидаги ҳолларда ишни кўришда вакил тайинлайди:

Оилавий низоларни ҳал этиш билан боғлиқ (никоҳни бекор қилиш, эр хотиннинг мол-мулкини бўлиш, болани ким билан қолишини белгилаш, тарафлар ва учинчи шахслар ишда иштирок этганда умуий-мулкни бўлишга оид ишларда фақат юқори инстанция судларида) ишларни юритишида суд томонидан тарафларнинг адвокати бўлмаса, адвокат тайинланади.

Суд муомалага лаёқатсиз шахс ёки ишда мустақил даъво билан чиқувчи учинчи шахснинг ваколатларини амалга ошира олмаслиги маълум бўлганда, шунингдек, қонунда кўрсатилган бошқа ҳолатларда вакил тайинлайди.

Юқоридаги ижобий тажрибалардан келиб чиқсан ҳолда фуқаролик процессида вакил иштирокини таъминлаш юзасидан адвокат иштирокининг самарадорлигини ошириш, ишда иштирок этувчи шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатилишини кафолатлаш мақсадида фуқаролик ишларида шартнома бўйича вакил сифатида адвокат иштирок этиши шарт бўлган ишлар рўйхатини процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, процессуал қонун хужжатларидаги вакилнинг судда иштирок этиши билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш, адвокатнинг профессионал фаолият юритишидаги ролини оширишнинг процессуал механизмини янада такомиллашувига, фуқароларнинг суд орқали ишончли ҳимояланиш кафолатларини кучайтиришга, вакиллик институтига бўлган фуқароларнинг ишончини оширишга, фуқаролик процессуал қонунчилигини халқаро стандартларга мувофиқлашувига олиб келади.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/20/607/0279-сон, 11.03.2020 й., 03/20/608/0278-сон; 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон).

2. “Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации” от 14.11.2002 N 138-ФЗ (ред. от 08.12.2020, с изм. от 12.01.2021).

3. Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь. 11 января 1999 г. № 238-З. (Закон Республики Беларусь от 10 декабря 2020 г. № 69-З (Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь, 17.12.2020, 2/2788) <Н12000069>).

4. Гражданский процессуальный кодекс Китайской Народной Республики. 58-статья. (Принят на 4-й сессии Всекитайского собрания народных представителей седьмого созыва 9 апреля 1991 г. Опубликован Указом Председателя Китайской

Народной Республики № 44 от 9 апреля 1991 г. Вступил в силу с 9 апреля 1991 г.) (<http://legal-way.ru/iss09.php>).

5. Д.Хабибуллаев. Вопросы совершенствования гражданского процессуального законодательства Республики Узбекистан // “Фуқаролик процессуал ҳуқуқини ривожлантиришнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро давра сұхбати материаллари. –Тошкент.: ТДЮУ. 2018. -С.79-81.

6. Гражданский процессуальный кодекс Германии // <https://lawbook.online/protsess-zarubejnyih-grajdanskiy/grajdanskiy-protsessualnyiy-kodeks-56683.html>.

7. Цивільний процесуальний кодекс України (Відомості Верховної Ради України (ВВР), 2004, № 40-41, 42, ст.492). (<https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/1618-15#Text>).

8. Гражданский процессуальный кодекс Республики Армения. Принят 09.02.2018. (<http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=6196&lang=rus>).